

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИЕВА СИТОРА АСРОРОВА

**“ОИЛА” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ
МАДАНИЯТИДА АКС ЭТИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
in philological sciences**

Рузиева Ситора Асроровна

“Оила” тушунчаси ва унинг инглиз ва ўзбек тиллари маданиятида

акс этиши 3

Рузиева Ситора Асроровна

Концепт «семья» и его отражение в английской и узбекской языковых
культурах 27

Ruzieva Sitora Asrorovna

The concept “family” and its reflection in the English and Uzbek lingual
cultures 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИЕВА СИТОРА АСРОРОВА

**“ОИЛА” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ
МАДАНИЯТИДА АКС ЭТИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.1.PhD/Fil404 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.samdchti.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
манзилига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фаилари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Киселёв Дмитрий Анатольевич
филология фаилари доктори (DSc), доцент

Расулов Зубайдулло Изомович
филология фаилари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат чет тиллар институти хузуридаги илмий даражалар
берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабр
соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой
кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида
танишиш мумкин (сават рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой
кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «5» декабр даги № 6 рақамли реестр баённомаси)



И.М. Тухташнов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, педагогика фаилари
доктори, профессор

А.А. Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фаилари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филология фаилари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳозирги пайтда миллий-маданий мазмунга эга лисоний бирликларни ўрганишга лингвомаданий жиҳатдан ёндашиш, дунё тилларида акс этадиган халқларнинг миллий руҳини таҳлил қилиш ва инсонлар ўртасидаги муносабатларда лисоний ифоданинг этномаданий хусусиятларини аниқлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Тилнинг турли халқлар ҳаётидаги функционалиги ҳамда психолингвистик, лингвокогнитив, лингвокультурологик ва социолингвистик моҳиятига асосий эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Оиланинг миллий турлари ва моделларини очиб берадиган ҳамда одамларнинг оилавий ва қариндошлик муносабатларидаги миллий-маданий хусусиятларни намоён қиладиган лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар ҳамда бадиий асарларнинг матнларини таҳлил қилиш бугунги кунда ўта долзарбдир. Бу борада, айниқса, “оила” лисоний-маданий концепти билан боғлиқ лисоний бирликларнинг лингвокультурологик мазмуни алоҳида аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида бугунги кунда лисоний фаолият билан боғлиқ ҳодисаларга лингвомаданий ёндашувнинг муҳим аҳамият касб этаётганлиги дунё тиллари қатламларида содир бўладиган ўзаро алоқаларни таъминловчи қонуниятларни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Дунёнинг етакчи илмий марказларда тилшунослик муаммоларининг антропоцентрик йўналишда тадқиқ этилиши турли маданият вакилларининг оламни идрок этиши билан боғлиқ ҳодисаларни лингвосемиотика, прагматика, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология каби соҳалар доирасида ўрганилишини тақозо этмоқда. Ҳар хил тизимли тиллардаги шахслараро, хусусан, қариндошлик ва оилавий муносабатларни ифодаловчи лексик, фразеологик ва паремиологик бирликларнинг муқобил вариантларини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқлари ва тадқиқ методларига таянган ҳолда, таниқлаш ҳамда уларни функционал-семантик, прагматик-стилистик жиҳатдан тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистонда “оила” концептининг назарий ва амалий тадқиқи доимо ғоят муҳим аҳамият касб этади, чунки оила ўзбек халқи тасаввурида муқаддас тушунча ҳисобланади. Жамият тараққиётининг устувор вазифалари “оила” тушунчасига асосланади, чунки оила жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида унинг ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатади. Бинобарин, “замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва

инновацион тадқиқотларни ўтказиш” лозимлиги таъкидланган.¹ “Оила” концепти лисоний воқеланишининг семантик, лексик ва миллий-маданий жиҳатлардаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш орқали инглиз ва ўзбек тилларида унинг лингвомаданий мазмунини аниқлаш нафақат тилшунослик нуқтаи назаридан, балки маданиятлараро мулоқот этикасига оид кўникмаларни шакллантириш, ўрганилаётган концепт билан боғлиқ лисоний бирликларни таржима қилиш амалиётини фаоллаштириш билан ҳам долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорлари; 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармонлари; шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил тизими ва лисоний бирликларни ўрганишга лингвомаданий ёндашув Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, А.П.Бабушкин, Н.Н.Болдырев, А.Вежбицкая, С.Г.Воркачёв, В.В. Воробьёв, Д.О.Добровольский, В.И.Карасик, О.А.Корнилов, Е.С.Кубрякова, В.А.Маслова, Г.Г.Слышкин, С.Г.Тер-Минасова ва бошқа хорижий тилшуносларнинг илмий ишларида кенг қўлланган.

Ватанимиз олимлари орасида ўз илмий ишларини тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасига бағишлаган қуйидаги тилшуносларнинг номларини тилга олиш мумкин: Г.Ш.Атаханова, Д.У.Ашурова, Т.А.Бушуй, А.Э.Маматов, Н.З.Насруллаева, М.И.Расулова, Г.Х.Рахимов, Ш.С.Сафаров, И.М.Тухтасинов, Ш.Усманова ва бошқалар. Танланган мавзу доирасида

¹ <https://lex.uz/docs/3546742/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Н.В.Багичева² қариндошлик атамаларининг лексик ва прагматик семантикасини тадқиқ этган. Н.В.Бискулатов³ ўз ишларини антропонимлар ва қариндошлик терминларининг назарий тавсифига бағишлаган. Этнографик контекст ва лингвистик контекст доирасида қариндошликни ифодаловчи атамалар тизимини ўрганган Г.В.Дзибел⁴ ушбу атамаларнинг этнографик кўрсаткичларини таҳлил қилгани диққатга сазовордир. А.А.Мамедгасанова⁵ “уй”, “оила”, “ўчоқ” концептларини миллий менталитетнинг ўзига хос белгиси сифатида ўрганиб чиққан. Н.З.Насруллаева⁶ эркак ва аёллар оилавий ролларининг гендер хусусиятларини тадқиқ этган. В.И. Постовалова⁷ антропологик парадигма нуқтаи назаридан рус тилининг фразеологик таркибини ўрганган. О.Б.Смирнова⁸ она ва ота образларини турли тузулишли тилларнинг фразеологик тизимида кўриб чиққан. М.А.Терпакнинг⁹ тадқиқоти инглиз тилида “family” лингвомаданий концепти ва унинг коннотатив мазмунини шакллантирувчи воситаларни тизимлаштиришга бағишланган.

Қариндошлик атамалари ва оилавий муносабатлар концептсферасига бағишланган жуда кўп илмий ишлар мавжудлигига қарамасдан, “оила” концептининг лингвомаданий мазмунини тавсифлаш ва инглиз ва ўзбек тилларида қариндошлик муносабатларини билдирувчи атамалар ва лисоний бирликларни қиёсий таснифлаш билан боғлиқ муаммолар етарлича ўрганилмаган. “Оила” лингвомаданий концептининг назарда тутилган қиёсий-чоғиштирма таҳлили инглиз ва ўзбек тилларининг лексик, фразеологик, паремиологик ва матн сатҳларида ушбу концептнинг тиллараро лисоний ифодаланишида намоён бўладиган тиллараро ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш йўналишида илк бор амалга оширилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилшунослик муаммолари ва чет тилларни ўқитишнинг замонавий методлари” мавзуси доирасида бажарилган.

² Багичева Н.В. Лексическая и прагматическая семантика терминов родства // Функциональная семантика слова. – Екатеринбург, 1993. – С.77-84.

³ Бискулатов Н.В. Антропонимы и термины родства // Ономастика Поволжья.–Уфа, 1973. -№ 3.– С.100-107.

⁴ Дзибель Г.В. Термин родства и система терминов родства: лингвистический контекст в отношении к этнографическому // Алгебра родства. Вып. 2. – Санкт-Петербург, 1998. – С.89-134.

⁵ Мамедгасанова А.А. Концепты «дом», «семья», «очаг» как особенности национальной ментальности // Языковая личность в дискурсе: Полифония структур и культур: Материалы международной научно-практической конференции. – Москва-Тверь, 2005. – С.37.

⁶ Насруллаева Н.З. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Дис. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 2018. – 250 с.

⁷ Постовалова В.И. Лингвокультурология в свете антропологической парадигмы (к проблеме оснований и границ современной фразеологии) // Фразеология в контексте культуры. – Москва, 1999. – С.28-34.

⁸ Смирнова О.Б. Образы матери и отца во фразеологии разноструктурных языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Пятигорск: ГОУ ВПО «Астраханский государственный университет», 2009. – 27 б.

⁹ Терпак М.А. Английский лингвокультурный концепт «семья» и способы его коннотативного содержания в языке (на материале семантического поля «Родственные отношения»): Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Самара: СамГПИ, 2006. – 26 с.

Тадқиқотнинг мақсади “оила” концепти лингвомаданий мазмунининг лексик, фразеологик, паремиологик ва матн сатҳларида намоён бўлишини таъминловчи омилларни очиб бериш, чоғиштирилаётган тилларда оила муносабатлари концептуал идрокидаги ўхшашлик ва фарқларни илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“оила” концептининг лингвистик моҳияти ва унинг тил тараққиётидаги ролини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концептининг лингвомаданий мазмунини лексика, фразеология, паремиология ва бадиий матнлар материалида очиб бериш ва тавсифлаш;

миллий-маданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда “family” ва “оила” лексемаларининг концептуал асосини таққослаш;

инглиз ва ўзбек халқлари ҳаётида оилавий муносабатларни акс эттирувчи лисоний бирликлар шаклланишини таъминловчи лисоний ҳамда нолисоний омилларни аниқлаш;

яқин қон-қариндошлик ва узоқ қариндошлик, эр-хотин қариндошлиги ва уруғчилик муносабатларини ифодаловчи инглиз ва ўзбек атамаларининг таснифини шакллантириш, таққосланаётган тилларда одамларнинг оила ичидаги ва қариндошчилик алоқаларини билдирувчи лексемалар гуруҳларидаги ўхшашликлар ва фарқларни ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концептини ифодаладиган лисоний бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини “оила” концепти билан боғлиқ инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик, фразеологик, паремиологик тузилмалар ва бадиий матнларнинг семантик ва лингвомаданий мазмунидаги ўхшашлик ва фарқли хусусиятларини ёритиш ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-чоғиштирма, когнитив-концептуал, маданиятлараро чоғиштириш, компонент, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“оила” концептининг тил тизими, лексик, фразеологик ва паремиологик қатламлари тараққиётини шакллантирувчи роли аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концептининг лингвомаданий мазмуни миллий менталитетга боғлиқлиги паремиологик ва бадиий матнлар материали таҳлили асосида очиб берилган;

“оила” концепти билан боғлиқ оилавий муносабатлар ва тушунчаларни номловчи “family” ва “оила” лексемаларининг концептуал майдонини тасвирлаш ҳамда тавсифлаш усуллари аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида оилавий муносабатларни акс эттирувчи лисоний бирликларнинг тараққий этиш динамикаси асосланган;

эр-хотин қариндошлиги ва уруғчилик муносабатларини ифодаловчи инглиз ва ўзбек атамаларининг муштараклик ва номутаносиблик кўрсаткичларининг тиллараро чоғиштира аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

“оила” концептуал тушунчаси билан боғлиқ жиҳатларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ўзбек ва инглиз тиллари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, умумий тилшунослик, услубият, нутқ маданияти, матн лингвистикаси, таржима назарияси ва амалиёти, танлов фанлар бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмаларнинг мукамаллашувиغا хизмат қилиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концептини ифодалайдиган лисоний бирликларнинг илмий талқин қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

лексик, фразеологик, паремилологик ва матн сатҳларида “оила” концептини воқелантирувчи инглиз ва ўзбек тилларидаги лисоний бирликларнинг яхлит қиёсий-чоғиштира таҳлили амалга оширилган;

“оила” концепти билан боғлиқ инглизча ва ўзбекча лисоний бирликлар қон-қариндошлик - бегоналик, яқин - узоқ қариндошлик, оилавий қариндошлик - эр-хотинга оид қариндошлик параметрлари бўйича таснифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлил қилинган материалнинг катта ҳажми ва ишончли манбалардан олинганлиги, ушбу соҳада илгари амалга оширилган тадқиқотларнинг назарий хулосаларига таянганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий ҳолатларига мувофиқлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти концепт тушунчаси ва лисоний концептлар масаласидаги муаммоларга аниқлик киритилиши, лингвистик материални илмий талқин қилиш учун танланган методлардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган тадқиқот натижаларини бошқа тиллар материалларида янада ривожлантириш учун кенг татбиқ этиш имкониятининг мавжудлиги, “оила” концептига хос концептларнинг лингвомаданий, когнитив, этик-семантик жиҳатларини қардош бўлмаган тиллар материаллари асосида қиёсий тарзда кенг ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида лексикология, фразеология, социолингвистика, таржима назарияси ва амалиёти фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаш, лингвомаданиятшунослик, матн таҳлили фанлари бўйича махсус курсларни ўқитишда, тадқиқот мавзуси бўйича битирув

малакавий ишлар, магистрлик диссертацияларини ёзишда, шунингдек, инглиз ва ўзбек тиллари бўлғуси мутахассисларининг назарий ва амалий билимларини бойитишда хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Оила” концепти билан боғлиқ бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги лисоний бирликларнинг қўлланишини тадқиқ этиш натижалари асосида:

оила тушунчаси концептуал майдонига кирувчи лисоний бирликларни ажратиш ва уларнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритиш борасида олинган илмий хулосалардан ОТ-Ф1-138 рақамли “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 89-03-2232-сон маълумотномаси). Натижада дostonлар матнидаги оила мавзуси билан боғлиқ лисоний бирликлар, оилага доир масалалар, уларнинг лингвомаданий, маданиятлараро алоқасини таҳлил қилиш ва ўрганиш имкони кенгайган;

ўзбек оилаларида оилавий муносабатларнинг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишга оид материаллардан “Талаба ёшларни оилавий муносабатга тайёрлашнинг педагогик масалалари” (ISBN 978-9943-5490-2-9) дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2155-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилган материаллар ўзбек оилаларида болаларни тарбиялаш, ёшларни оилага ва оилавий муаммоларга тайёрлаш борасидаги амалий маслаҳат ва тавсияномаларни бойитишга ёрдам берган;

“оила” концептининг ғоявий-концептуал мазмунини ўрганиш натижалари, оиланинг миллий модели ва оилавий муносабатлар этикаси билан боғлиқ тушунчалар Самарқанд шаҳри маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш Бошқармаси томонидан маҳаллаларда ўтказилган суҳбат ва тадбирларда кенг қўлланилган (Самарқанд шаҳридаги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2020 йил 9-июндаги 07-2170-сонли гувоҳномаси). Натижада ушбу жараёнда оилавий ва қариндошлик муносабатларининг этномаданий хусусиятларига бағишланган маълумотлар Самарқанд шаҳри ёшлари орасида “Ибратли оила” ва “Қизлар овози” танловларини ўтказиш шартларини шакллантиришга хизмат қилган;

“оила” концептининг концептуал мазмуни, оила ва оилавий муносабатларнинг лингвомаданий мазмунига оид илмий хулосалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Оила мукқадас кўрғон”, “Ибратли умр”, “Қадрият” маънавий-маърифий дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8-июндаги 09-01/206-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола нашр этилган. Шулардан 7 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси ва фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва материаллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **““Оила” концептининг лингвистик талқини ва унинг лисоний маданиятни ривожлантиришдаги роли”** деб номланган биринчи бобида (3 та бўлимда) “концепт” тушунчасининг лингвистик талқинларига шарҳ берилади, тил ва маданиятнинг тараққий этишида “оила” концептининг роли аниқланади, оила ва оилавий муносабатлар концептуал соҳасининг мазмуни инглиз ва ўзбек тилларида кўриб чиқилади.

Тил инсон табиатига хос бўлиб, унинг руҳий кучларини ривожлантириш ва дунёқарашини шакллантириш учун зарурдир¹⁰. Тилнинг ижтимоий ва инсоний табиати шундан иборатки, унинг мавжудлиги барча маданий борлик учун шароит яратади¹¹. Модомики “этнос – маданият – тил” триадасига қирадиган ҳодисаларнинг нисбати кўп қиррали бўлиб, ифодаланаётган муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланар экан, изланишлар бир неча йўналишларда олиб борилиши керак. Энг аввало, тадқиқот муайян жамият учун хос бўлган нутқий актларнинг турлари ва шакллари бўйича тузулишига йўналтирилган бўлиши, сўнгра уларнинг табиати ва вазифаларини ўрганишга қаратилган бўлиши зарур¹².

¹⁰В. Гумбольдт. Язык и философия культуры. – Москва, 1985. – Б. 15.

¹¹Г.Г. Шпет. Внутренняя форма слова / Этюды и вариации на темы Гумбольдта. – Москва: URSS, 2003. – Б. 40.

¹²Ш.С. Сафаров. Лингвистика дискурса. – Челябинск: Челябинский гос. ин-т культуры, 2018. – Б. 147.

Оила ва оилавий қадриятлар халқ тили ва маданиятининг ривожланишида муҳим рол ўйнагани ва ўйнаётгани, бундай алоқадан ташқарида халқнинг тарихий ва маданий қиёфасини умуман тасаввур қилиб бўлмаслиги каби ҳолатлар бизни “оила” концептини тадқиқот объекти сифатида танлашга ундади. Шу сабабли, турли маданиятларда, хусусан, инглиз ва ўзбек маданиятларида “family” ва “оила” концептларини қиёсий тадқиқ этиш, умумий ва миллий белгиларни аниқлаш ушбу маданият соҳибларига хос образлар оламининг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишда муҳим аспектни ташкил этади.

Концепт замонавий тилшунослик лингвомаданий соҳасининг бирлиги ҳисобланади, чунки у тил, жамият ва унинг маданияти тўғрисидаги билимларни акс эттиради. Концептлар тилда маданиятни акс эттиради ва инсон онгида олам тасвирини шакллантиради. Концепт тафаккурнинг оператив мазмун бирлиги, тизимлаштирилган билимнинг бирлиги, ёки квантидир¹³. Концептлар – бу инсон фикрлаш жараёнида фойдаланадиган идеал, маъхум birlikлар, маънолардир. Улар олинган билимлар, тажриба, инсоннинг реал борлиқни идрок этиши натижаларининг мазмунини муайян birlikлар, “квантлар” кўринишида акс эттиради¹⁴.

“Оила” концептининг мазмуни этик, этник ва фалсафий тушунча сифатида тадқиқот учун серқирра аҳамиятга эга. Оилада инсоннинг ахлоқий тарбияси, маданий ривожланиши учун асос қўйилади, кейинчалик у инсоннинг хулқ-атвор нормаларини шакллантиради, ички дунёсини бойитади. Оила инсоннинг ижтимоий ва ижодий фаоллигини рағбатлантиради, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга ҳисса қўшади.

Ўзбек халқи вакиллари учун “оила” тушунчаси асосан болалик (бир нечта) бўлиш ва уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун барча шароитларни яратишдан иборат уйғун бахтли ҳаётга интилишни англатади. Британияликларда оила бир-бирини севадиган жуфтликнинг бирга яшашлари учун яратилади. Ўзбек оиласи туйғуларга эмас, балки чуқур ахлоққа асосланади. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро масъулият ўзбек оиласининг асосий хусусиятидир.

“Оила” концепти учта микроконцептни ўз ичига олади: 1) “болалар” микроконцепти; 2) “ота-оналар” микроконцепти ва 3) қариндошлик муносабатлар микроконцепти. “Оила” концепти кўплаб фреймлардан иборат бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: оила бошлиғи, оила аъзолари, уй, уй хўжалиги, оила низоми, оилавий роллар, оилавий мажбуриятлар ва оилавий муносабатлар. “Оила” концептининг маданий коди оилавий ҳаётнинг турли аспектлари - эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг

¹³Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. Краткий словарь когнитивных терминов. – Москва, 1997. – Б. 90.

¹⁴ Н.Н. Болдырев. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: DirectMedia, 2016. – Б. 30.

табиати, аёлининг бурчи ва унинг оиладаги мавқеи, болалар тарбияси, оила аъзолари ички дунёсининг мураккаблиги, уларнинг хулқ-атвори ва оилавий роллари ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради.

Катта фарқ инглиз ва ўзбек лингвомаданияти вакиллари оилавий ролларида намоён бўлади. Масалан, ўзбек оиласидаги *келин* ва инглиз оиласидаги *daughter-in-law* ёки *bride* ролини қиёслаб кўрайлик. Келин образи билан боғлиқ кўплаб расм-русум ва удум (*келин салом, келин кўрди*) лар мавжуд, келиннинг оилавий мажбуриятлари ва вазифалари келин компонентли бир қатор ибораларда узоқ вақтдан бери қайд қилиб кўйилган, инглиз тилида келинни эмас, мамлакатни англатадиган фақат битта фразеологик бирлик топилган: *the bride of the sea* – Венеция.

“Оила” концепти оила аъзолари ва қариндошлар ўртасидаги оилавий муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, ўзбек тилида инглизча аналоглари бўлмаган *қуда-анда, қудалик қилмоқ, қуда-андачилик* ва шу каби иборалар мавжуд.

Н.Н. Болдиревнинг фикрига кўра, тилда концепт алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, гаплар ва бутун матнлар воситасида вербаллашган бўлиши мумкин¹⁵. Олим мавҳумликнинг мазмуни ва даражасига қараб, концептнинг бир нечта таркибий қисмларини ажратади: аниқ ҳиссий образ, тасаввур, схема, тушунча, прототип, пропозицион структура, фрейм, сценарий (скрипт), гештальт ва бошқалар¹⁶.

Аниқ ҳиссий образ кўرғазмали, ташқи хусусиятларга эга бўлган кўп сўзларнинг маънолари билан тақдим этилади¹⁷. Метафорик қайта англаниш: *May and December* – қари эр ва ёш хотин. Аниқ ҳиссий образ тўғридан-тўғри номлаши мумкин: *отасининг боласи* – у отасига ўхшайди, у отасининг ўзгинаси.

Аниқ ҳиссий образдан фарқли ўлароқ, тафаккурдаги тасвирда нафақат ташқи, балки ҳиссий белгилар тўпламига ҳам эга бўлиши керак. Ўзбекча *янги келин* сўз бирикмаси ёш келин образинигина яратиб қолмасдан, ёш келинга хос бўлган хушмуомалалик, хизматга тайёрлик, уятчанлик, меҳрибонлик ва бошқа хусусиятларни ҳам тақдим этади. Таъкидлаш жоизки, ушбу образ фақат ўзбек маданияти доирасида воқеланади. Инглиз фразеологизми *zoo Daddy* (дам олиш кунлари болалари билан учрашиш ҳуқуқига эга ажрашган ота) асосида яратиладиган тафаккур тасвирини кўриб чиқайлик. Бу ерда дам олиш кунлари болаларининг онасидан ажрашган отанинг портрети аниқ намоён бўлади. У болаларини паркда, циркда, ҳайвонот боғида ва бошқа жойларда сайр қилишга олиб боради.

¹⁵Н.Н. Болдырев. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: DirectMedia, 2016. – Б.36.

¹⁶ Ўша ерда, Б. 47.

¹⁷ Н.Н. Болдырев. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: DirectMedia, 2016. – Б. 56.

Концепт-схема, бир томондан, тасаввурга ёки “рухий суратга” яқин, чунки у график шаклда ифодаланган бўлиши мумкин. Концепт-схема диаграммаларида катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлади: *knight of the forked order* – хотини хиёнат қилган эр. Маълумот: эркак жинси вакили, уйланган, яъни бошқа эркак билан дон олишиб эрига хиёнат қилган рафиқасининг мавжудлиги. Концепт-схемага ўзбекча мисол: *қиз қори* – (сўз.) шумтака, зумраша, маҳмадона. Маълумот: аёл жинси вакили, ёш, эпчил, шўх, тўполончи, феъл-атвори ўғил болага ўхшайди.

Концепт-фрейм бошқа сўзлар ва лексик-семантик гуруҳлар билан ассоциатив алоқалари орқали боғлиқ бўлган сўзларнинг маъносида такдим этилган. Ишда ўрганилаётган “оила” концепти бир нечта концепт-фреймлардан, масалан, “ота-оналар” концепти, “болалар” концепти, “эр-хотин” концепти ва бошқалардан ташкил топган.

Сценарий маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган муайян воқеани англатади. Сценарий, бошқа сўз билан айтганда “скрипт”, биринчи даражали ва иккинчи даражалиларга бўлинган бир неча эпизодлардан иборат бўлиши мумкин. Сценарий қисқа муддатли (нисбатан қисқа вақт оралиғини қамраб оладиган) ва узоқ муддатли (узоқ вақт давомида, баъзан одамнинг ҳаёти давомида) бўлиши мумкин. Қуйидаги фразеологик бирликлар қисқа муддатли сценарияга мисол бўлади: *уч талоқ* – (дин.) уч марта ажралиш (шундан кейин эр бу аёлга қайта уйлана олмайди); *beat somebody to a pumny* – кимнидир қаттиқ урмоқ, ўласи қилиб дўппасламоқ; узоқ муддатли сценарияга эса қуйидаги фразеологизмларни келтириш мумкин *умр савдоси* – уйланиш, эрга тегиш; *keep bach* – бўйдоқлик ҳаётини кечирмоқ¹⁸.

Шундай қилиб, “оила” концептининг ҳиссий соҳаси инглиз маданиятида ҳам, ўзбек маданиятида ҳам ижобийдир. “Оила” концепти ҳиссий соҳасининг ижобийлиги ўзбек маданиятида қатъийлик ва масъулиятлилик, “муқаддас” бурч билан ифодаланади, инглиз маданиятида эса севги ва муҳаббатда намоён бўлади. Бироқ, инглиз тилида ўзбек миллий маданияти учун мақбул бўлмаган янги тушунчалар ва оилавий муносабатларнинг моделлари пайдо бўлиб, улар инглиз тилининг фаол лексикасида бугунги кунда кенг қўлланмоқда: “*ёлғиз она*”, “*ноқонуний никоҳ*”, “*ноқонуний эр ва хотин*”, “*бир жинсли никоҳ*” ва бошқалар.

Диссертациянинг “**“Оила” концепти мазмунини акс эттирадиган инглизча ва ўзбекча лисоний бирликлар**” деб номланган иккинчи бобида (3 та бўлимда) инглиз лисоний маданиятидаги “family” лексик бирлиги ўзбек лингвомаданиятидаги “оила” лексик бирлиги билан таққосланган ва оила концептуал соҳаси билан боғлиқ инглизча ва ўзбекча лексемаларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган, улар ўртасидаги семантик ўхшашликлар ва фарқлар аниқланган.

¹⁸ Н.З. Насруллаева. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Филол. фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 107-108.

Оила инглиз лисоний маданиятида - *family*, яъни иккита ота-она ва улар билан бир уйда яшайдиган болалари. Инглизча *family* лексемаси кўп маънолидир: 1) оила, хонадон, уруғ; 2) жамият; 3) attr. оилавий, уруғдошлик, наслий; 4) фамилия¹⁹.

Инглиз тилида *a man of family* ибораси оилали одамни номлайди. Маъноси бўйича яқин бўлган яна бир ибора ҳам мавжуд: *family man* – оилавий одам, яна уй бекаси – болаларга қарайдиган ва уй хўжалигини юритадиган эркакларнинг замонавий модели (салбий баҳосиз). Ўзбек лисоний маданиятида эркакнинг бунга ўхшаш модели мавжуд эмас: бундай модел эркакнинг миллий стереотипига тўғри келмайди.

Инглизча *family* лексемаси оила билан боғлиқ объектлар, жараёнлар, ходисалар, касблар, урф-одатлар анъаналарни номлайдиган бир қатор сўз бирикмаларни шакллантириш учун ясовчи компонент бўлиб хизмат қилган: *a family joke* – оилавий ҳазил; *in and out family* – бир хонадонда яшайдиган битта оиланинг аъзолари; *first families* – биринчи кўчманчилар, аристократик доиралар. *Family* лексемали бир қатор инглизча сўз бирикмаларининг ўзбек тилида эквивалентлари ва аналоглари мавжуд эмас: *family arrangement* – мулкни оилавий тақсимлаш; *family commitments* – уй-рўзғор / оилавий мажбуриятлар; *official family* – мартабаси улуғ шахснинг давраси, мулозимлари; *family Bible* – оилавий Библия, унинг бўш варақларида ушбу оила аъзоларининг туғилган, никоҳ ва вафот этган саналарини ёзадилар.

Инглиз жамиятида оиланинг қуйидаги турлари қайд этилади: *good family* – яхши, муносиб оила; *a large family* – катта оила (камдан-кам ҳолларда); *broken family* – бузилган оила (кўпинча) ва бошқалар.

Инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концепти “оила бошлиғи” ва “оила аъзолари” тушунчалари билан боғланган. Ўзбекларда оилавий ва этник-маданий анъаналарга кўра, эркак оила бошлиғи ҳисобланади. Инглизларда, феминизмнинг ривожланиши муносабати билан, аёл, жамиятдаги мавқеидан ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, оила бошлиғи бўлиши мумкин.

Муҳим оилавий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш учун инглиз оиласи тез-тез *family council* – оилавий кенгашни йиғади. Инглизларнинг кундалик турмушида қуйидаги феълли фразалар кўпинча ишлатилади: *to feed a family* – оилани боқиш; *to clothe a family* – оилани кийинтириш, яъни оила аъзоларини кийим-кечак билан таъминлаш; *to support a family* – оилани таъминлаш. Буларнинг барчаси оила боқувчисининг асосий вазифасидир. Шу муносабат билан инглизлар ҳаётида *family budget* – оила бюджети ибораси тез-тез учраб туради.

Ўзбек тилида *оила* лексемаси (араб этимологияси билан) оила, оила аъзолари деган маънони англатади. *Оила* – эр-хотин, уларнинг бола-чақалари

¹⁹ Большой англо-русский словарь. – Маъсул муҳаррир В.К. Мюллер. – Москва: Русский язык, 1990. – Б. 261.

ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи одамлар мажмуи.²⁰ Худди инглизча *family* лексемаси каби, ўзбекча *оила* лексемаси ҳам тил оиласини номлаш учун ишлатилади: *family of German languages* – герман тиллар оиласи; *family of Roman languages* – роман тиллар оиласи. Зоологик ва ботаник аспектларда ҳам *family* ва *оила* лексемалари “*оила*” маъносини воқелантиради: *cat family* – мушуксимонлар оиласи.

Ўзбекча *оила* сўзи эр / хотинга нисбатан ишлатилиши мумкин (кўпинча ўзбек сўзлашув дискурсида ишлатилади). *Оила* сўзи яна “биргаликда тотув” маъносини ҳам англатиши мумкин.

Оила қурмоқ (оилали бўлмоқ) ибораси ўзбек тилида кенг тарқалган. Шахнинг оилавий ҳолати *оилавий аҳвол* сўз бирикмаси билан, оилавий ҳаёти эса *оилавий ҳаёт* сўз бирикмаси билан белгиланади. Ўзбек лисоний маданиятидаги “оила” концептини *оила боқмоқ* (оилага қарамоқ); *оила тебратмоқ* (рўзгор тебратмоқ) ибораларисиз талқин қилиб бўлмайди. Ўзбек ижтимоий меъёрларига кўра, оилани боқиш эркакнинг бурчидир.

Қариндошлик терминологиясининг инглиз тизимида *mother* “она” ва *father* “ота” лексемалари асосий ҳисобланади. *Father* сўзи катта ёшни англатади ва катта мавқе, олий мартаба семантикасига эга, шунинг учун у турли унвонларнинг номида ишлатилади: архиепископ унвони: *Most Reverend Father in God* – Архиепископ ҳазрати олийлари; епископ унвони: *Right Reverend Father in God* – Епископ ҳазрати олийлари ва бошқалар. Инглизлар катта дарёларни номлашда *father* лексемасини ишлатишади: *Father of Waters* – Миссисипи дарёси. Бир қатор инглиз эвфемизмлари таркибида ҳам *father* лексемаси учрайди: *Father of lies* – шайтон; *to be gathered to one’s fathers* – ўлмоқ.

Инглиз ва ўзбек тилларида оилани ифодаловчи лексемаларнинг ишлатилиши

Мазкур лексемадан тузилган ибораларнинг сони	Инглиз лексема <i>family</i>	Ўзбек лексема <i>Оила</i>
Умумий сони	67	59
“Оила” концепти билан боғлиқ	52	57
“Оила” концепти билан боғлиқ эмас	15	2

Ўзбек тилида ота-онани англатиш учун *ота* ва *она* лексемаларидан фойдаланишади. *Ота-она* бирикмаси болаларни тарбиялаб вояга етказган ёки етказадиган шахсларни англатади: *ота-она уйи* – туғилиб ўсган уй; *ота-онаси билан берган бўлсин* – ота-онаси билан унсин (янги туғилган чақалоққа

²⁰ Э. Бегматов, А. Мадвалиев ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А. Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 96.

нисбатан ишлатилади); *отанга раҳмат* – кўрсатилган яхши ёрдам ёки муомала учун шахсга миннадорчилик билдириш ёки тасаннолар айтиш каби оқ фотиҳа ва миннадорчиликни англатувчи миллий-маданий иборалардир.

Ўзбекча *ота* қариндошлик атамаси фан, адабиёт ва бошқа соҳаларда бирон-бир кашфиётнинг асосчисига нисбатан ишлатилади. Бу сўз, шунингдек, эркакнинг ёши катталигини ҳам англатади ва *оталиқ*, *отамлашмоқ* ва бошқа бир қатор бир илдизли сўзларни ҳосил қилган ҳолда “бой” деривацион имкониятларга эга. *Отаси* (ёки *дадаси*) сўзи хотиннинг эрига (болалар номидан) мурожаати сифатида ишлатилиши мумкин, *ота* сўзи эса ўғил фарзандларга нисбатан ёқимли муомаладир. Инглиз тилида хотиннинг эрига, ота-онанинг ўғлига нисбатан бундай мурожаати мавжуд эмас.

Инглиз тилида *mother* (*она*) лексемаси оналик тушунчасининг асосида туради. Ушбу асосли бир илдизли сўзлар жуда кўп: *mother-craft* – болаларни тарбиялаш маҳорати; *motherhood* – оналик ва бошқалар. Баъзи ҳолларда *mother* компоненти бошқа сўзлар билан бирикканда ўзининг луғавий маъносини воқелантирмайди: *mother of pearl* – садаф; *mother of thousands* – (бот.) ёввойи зиғир ва бошқалар.

Ўзбек тилида кўп *болали она* ибораси жуда машҳур. Ўзбек лисоний маданиятида *онайи зор* иборасида ғамхўр ва меҳрибон она образи алоҳида ажралиб туради. *Она* атамаси яна оила бошлиғи, тарбиячисини англатади ва кекса аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг номига кўшиб ишлатилади, масалан, Тожиҳон она. Шунингдек, *она* лексемаси “ўзи туғилиб ўсган, туғма” маъносини англатади: *она тили*. Ўзбек тилида *онанг ўргилсин* ибораси жуда машҳур бўлиб, у онанинг болаларига меҳрли мурожаатини ифодалайди. Ушбу мурожаат шаклининг этномаданий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда уни инглиз тилига таржима қилиб бўлмайди. “Ватан” тушунчаси инглиз ва ўзбек тилларида *mother / она* лексемалари билан ифодаланади: *Motherland = Она юрт* – Ватан.

Инглизча *son* қариндошлик атамасига ўзбекча *ўғил* атамаси мос келади. Миллий маданий мазмуни билан *ўғил тўйи* сўз бирикмаси ажралиб туради. Ўзбекча *қиз* сўзи инглизча *daughter* (вояга етмаган қиз, вояга етган қиз, қиз фарзанд) сўзига мос келади, боз устига, ўзбекча *қиз* сўзи яна умуман қизларга мурожаат шакли сифатида ҳам ишлатилади. Этномаданий мазмун ўзбекча жуда кўп: *қизкўрар*, *қизоши*, *қизчиқар* каби сўз ва ибораларда мужассамлашган.

Ўзбекча *ака* сўзи инглизча *brother* (ака ва ука) қариндошлик атамасига мос келади. Ўзбекча *ака* лексемаси (кўпинча эркак номи билан бирикиб) ёши катта эркакка мурожаат шакли сифатида ишлатилади, бу унинг миллий-маданий хусусиятидир. Ўзбекча *она* сўзи инглизча *sister* (опа ва сингил) лексемасига мос келади. Ўзбек лингвомаданиятида *она* сўзи (ёки *аёл исми+она* сўз бирикмаси) ёши катта қиз ёки хотинга хушмуомалали мурожаат шаклида ҳам қўлланилади.

Инглизча *uncle* сўзига ўзбекча *амаки* ва *тоға* қариндошлик атамалари мос келади. Ушбу атама умуман амакиси бўлмаган катта ёшдаги эркакка мурожаат шакли сифатида ҳам ишлатилади.

Инглиз тилидаги *aunt* сўзининг маъноси иккита ўзбек *амма* ва *хола* қариндошлик атамаси билан берилган. “Набира” ёки “жиян” қариндошлик терминларининг ифодаланишида ҳам мос келмасликлар кузатилади. «Набира» атамасига инглиз тилида *granddaughter* ва *grandson* ёки «жиян» атамасига *nephew* ва *niece* атамалари мос келади. Инглизча *grandson* – ўғил набира ва *granddaughter* – қиз набира сўзларида жинсга боғлиқлик намоён бўлади, ўзбекча *набира* атамасига келсак, у маълум бир жинсни кўрсатмайди ва ўғил набирани ҳам, қиз набирани ҳам англатиши мумкин. Инглизча *nephew* «ўғил жиян» ва *niece* «қиз жиян» қариндошлик атамаларида одамнинг жинси кўрсатилади. Ушбу сўзларга ўзбекча жинсни кўрсатмайдиган ягона *жиян* қариндошлик атамаси мос келади.

Инглиз қариндошлик терминологиясидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида эвара-чевараларни номлаш учун махсус сўзлар мавжуд: *эвара* (неваранинг боласи), *чевара* (эваранинг боласи). Инглизларда бундай атамалар йўқ. Инглизлар барча амакивачча ака-укаларга ва опа-сингилларга мурожаат қилганда ягона *cousin* атамасидан фойдаланишади, ўзбек тилида эса ота томондан амаки ва аммаларнинг, она томонда тоға ва холаларнинг болаларини номлаш учун алоҳида *амакивачча*, *аммавачча*, *тоғавачча*, *холавачча* каби қариндошлик лексемаларидан фойдаланилади.

Ўзбекча *келин* лексемаси этномаданий мазмунга бой бўлиб, келин-куёвларнинг тўй ва тўйдан кейинги маросимларини акс эттирувчи бир қатор сўз ва ибораларнинг асосига айланган, масалан: *келин кўрмоқ*, *келинли бўлмоқ*, *келинкўрар*, *келинсалом* ва бошқалар. Уларнинг инглизча аналоглари мавжуд эмас.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек лисоний дунё манзарасида “оила” концептининг ифодаланиши**” деб номланган учинчи бобида (3 та бўлимда) инглиз ва ўзбек тилларида “оила” концептининг фразеология, паремиология ва бадиий асар матнлари даражасида намоён бўлиши тадқиқ этилади, оилавий муносабатлар концептуал соҳаси билан боғлиқ лисоний birlikлар таққосланади, уларнинг алломорфик ва изоморфик хусусиятлари таққосланаётган лисоний маданиятлар кўламида аниқланади.

Лисоний birlikларда инсон ҳақида, унинг ташқи кўриниши, феъл-атвори, интеллектуал ва ижодий қобилиятлари, жамият ва оилавий муносабатлардаги ўрни ҳақида маълумот акс эттади. Тилшунослик тадқиқотларда олимларнинг алоҳида эътибори инсоннинг оилавий ҳаётини акс эттирувчи лисоний birlikларга қаратилган²¹. Дарҳақиқат, оила одамлар ўртасидаги оилавий муносабатларнинг муҳим кўрсаткичидир.

Оилавий муносабатлар ва одамлар турмушининг нозик тафсилотлари ҳақида бой маълумотни ўз семантикасида акс эттирадиган фразеологик

²¹ Н.З. Насруллаева. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Филол.фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 199.

бирликлар лисоний бирликлар орасида айниқса диққатга сазовордир. Барча қариндошлик муносабатларни 4 асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1) яқин қон-қариндошлик; 2) узоқ қариндошлик; 3) эр-хотин қариндошлиги 4) уруғчилик муносабатлари. Уларни қуйидаги чизмада кўрсатиш мумкин:



Оилавий ҳолатни тавсифловчи ўзбекча фразеологик бирликлар жуда кенг қўлланади: *кўз очиб кўрган* (турмуш ўртоғи ҳақида), *бошини иккита қилмоқ* – уйлантирмоқ, келин олмоқ.

Father / *ота*, *mother* / *она* лексемали фразеологик оборотлар оила ичидаги йўл-йўриқлар ва муносабатлар бўйича муҳим маълумот манбаидир. *Father* компоненти умуман жигарчиликни кўрсатмаслиги мумкин: *founding father* – асосчи ва бошқалар. *Ota* лексемали ўзбекча идиомалар, кўпинча *она* лексемаси билан биргаликда, кенг қўлланади: *отанг яхши, онанг яхши деб ...* – қийинчилик билан, тилёғлама мактаб ва бошқалар.

Фразеологик бирликлар таркибида *mother* “она” компоненти юқори мавқега эга. Инглизча *mother tongue* “она тил” иборасининг ўзбекча *она тили* эквиваленти бор. Оналарга хос ғамхўрлик, меҳр ва муҳаббатни тавсифловчи *она* таркибли ўзбекча иборалар ижобий баҳога эга. Кузатишлар шуни кўрсатдики, *она* таркибий қисмига эга бўлган фразеологик бирликлар ноёб бўлиб, уларнинг инглизча эквивалентлари/аналоглари мавжуд эмас: *она сутидай ҳалол* – ҳеч қандай нопоклик, қалбакилик аралашмаган, кишининг ўз пешана тери эвазига келган; *оқ сут берган (она)* – эмизиб катта қилган аёл; *она сутини оқламоқ*– она меҳрини, ғамхўрлигини оқламоқ ва бошқалар.

Инглизча *son* таркибли турғун сўз бирикмалари «ўғил» эркакнинг касбини кўрсатиши мумкин: *a son of Mars* – ҳарбий, *a son of Muses* – шоир ва бошқалар. Ўзбекча *ўғил* лексемали фразеологизмлар жуда кенг қўлланади: *ўғил ўртоқ*; *ўғил кўрди* – у ўғилли бўлди. Дин ва маданиятдаги мавжуд фарқ туфайли ўзбекча *ўғил тўйи* (ёки *суннат тўйи*) ибораси этномаданий ва диний ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Daughter таркибий қисмига эга бўлган кўплаб инглизча иборалар Инжилдан келиб чиққан: *the daughter of the horse-leech, the daughter of Jezebel*

- «ебтўймас, очофат; конхўр, золим, ёвуз» деган маънога эга. Ушбу таркибий қисм билан мавҳум тушунчаларни ифодалавчи иборалар мавжуд: инглизлар турли хил қийноқ воситаларини номлаш учун *daughter* сўзини ишлатганлар. Қиз таркибли ўзбекча фразеологик бирликлар икки гуруҳга бўлинади: 1) *қиз фарзандни* англатувчи фразеологик бирликлар ва 2) вояга етган/етмаган қизларни англатувчи фразеологик бирликлар.

Brother лексемаси бир қатор турғун сўз бирикмалари таркибида бир хил касбий бандликни кўрсатади: *brother at arms* – ҳарбий; *brother of the brush* – рассом; *brother of the quill* – шоир, ёзувчи ва бошқалар. Ўзбекларда ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги жигарчилик миллий хусусиятларга эга оборотлар воситасида намоён бўлади: *бир киндикдан, бир қориндан талашиб тушган*. Қон-қариндошликни англатмайдиган *sister* таркибли фразеологик бирликлар жуда кўп: *sister ships* – бир хил кемалар; *The Seven Sisters* – Плеяда (Бузок буржи туркумидаги еттита юлдуз гуруҳи) ва бошқалар.

Мақоллар, одамларнинг ижтимоий мавқеи, интеллектуал қобилиятлари ва шахсий хусусиятларидан ташқари, уларнинг оилавий ҳаёти ва оила ичидаги муносабатларнинг энг *нозик* томонлари ва хусусиятларини акс эттиришга қодир. Оилавий муносабатларнинг концептуал соҳаси билан боғлиқ инглиз ва ўзбек мақолларини ўрганиш жараёнида умумий семантик тузилишга эга бўлган, аммо ифода жиҳатидан фарқ қиладиган семантик синонимлар учради: *Like father, like son* = *Олма олма дарахтнинг тағига тушади*; *Like mother, like daughter* = *Онасини кўриб қизини ол*.

Оилавий муносабатларни акс эттирувчи мақолларни ўрганиш жараёнида таҳлил қилинаётган тилларнинг паремиологик захирасида универсал мақолларнинг семантик ва синтактик структураси тўлиқ ёки қисман мос келадиган бир қатлами мавжудлиги аниқланди: *A good wife makes a good husband* = *Хотин яхши – эр яхши*; *Jack is as good as Jill* = *Яхши хотин йигит номин кўтарар, ёмон хотин йигит номин йўқотар*; *Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам – хотин*.

